

Мавзу: **Интерактив маҳсулот керак**

Бугунги кунда спорт мамлакатимизда давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Шундай экан, халқимиз ҳаётида оммавий спортни йўлга қўйиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, профессионал спорт турлари билан шуғулланувчи юксак маҳоратли спортчиларни етиштириш ва уларнинг ёрқин фаолиятлари ҳақида маълумот бериш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг олдида турган долзарб масалалардан бири эканлиги, мустақилликка эришганимиздан сўнг амалга ошириладиган дастлабки ислохотлардан бири бўлди. Бу ислохотларни амалга оширишда телевидение ҳам асосий роль ўйнайди.

“Спорт” телеканалида бошқа телеканалларга қараганда кўпроқ интерактив дастурлар ва интерактивлик талабларига мос кўрсатувлар бериб борилмоқда. Телеканал орқали дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, ҳар қандай спорт туридан ўтказилаётган мусобақанинг жонли эфирда берилишининг ўзи ҳам интерактивлик хусусиятларидан далолат бериб турибди. Масалан, Канадада бўлаётган хоккейми, Австралиядаги теннис мусобақасими, Германиядаги бокс кечасими, ва Испаниядаги “Эль классико”ми, ёки жаҳон ва олимпиада мусобақалари беллашувларининг жонли эфирда тўғридан-тўғри узатилиб берилиши ҳам қисман интерактивликка мос келади. Чунки, интирактивликни таъмилайдиган аудитория ушбу мусобақаларни кўриб, телеканалга телефон қилишади, бевосита телеканал ходимларини кўча-куйларда кўриб қолишса мурожат қилишади ва кўпинча қизиқ мусобақаларнинг трансляцияси тугаганидан сўнг, барча ишқибозлар интернетда ҳар хил ижтимоий сайтлар орқали фикр юритишади, баҳс-мунозара қилишади.

Демак, “Спорт” телеканали фаолиятининг бир қатор ўзига хос ютуқ ва камчиликлари ҳам бор:

Биринчидан, бугунги кунда “Спорт” телеканали ходимлари мамлакатимизда ва дунёнинг турли жойларида ўтказилаётган спорт мусобақалари ҳақидаги маълумотларни, энг муҳим воқеаларни аниқ фактлар асосида ўз ишқибозларига 24 соат ичида тезкорлик ва реаллик билан етказиб беришмоқда. Айниқса, бу борада информатсион дастурлар бош муҳарририяти кун давомида ўзбек ва рус тилида “Хабарлар” дастурини олти маротаба бериб боришади. Бу борада канал ходимлари кечаю-кундуз изланишда. Мухлислар хоҳиш-истакларига мос дастурлар эфирга узатилмоқда.

Иккинчидан, “Спорт” телеканалида берилган дастурлар бошқа каналларда берилмайди. Телеканалдаги кўрсатувлар мундарижасига ва мавзулар хилма-хиллигига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар куни футбол ишқибозларини зериктирмайдиган, керак бўлса, қизиқиб томоша қиладиган дастурлар берилади. Масалан, душанба куни “Футбол шарҳи” кўрсатуви ва шунингдек, ҳафта давомида “Бугунги футбол”, “Мухлисингман спорт”, “Ташриф”, “Стать ближе”, “Евро тайм” ва жонли эфирдаги қизиқарли футбол шарҳлари телетомошабинларнинг севимли дастурлари ҳисобланади.

Учинчидан, “Спорт” телеканалининг фаолияти учун, малакали ёш футбол шарҳловчиларини етиштириш учун телеканал қошида футболга жуда қизиқувчи ва иқтидорли талабаларни жалб қилиб, уларга “мастер–класс” дарсларини ташкиллаштириш телеканал учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Сабаби, каналда футболдан бошқа спорт турларига доир малакали репортажлар берувчи шарҳловчиларнинг камлиги натижасида, бу муаммони ҳал қилиш учун ҳам ёш кадрларга эҳтиёж сезилади. Шу боисдан ҳам, ёш спорт журналистлари учун “мастер–класс” “Спорт” телеканалига ҳам зарурлиги англашилмоқда.

Тўртинчидан, барча шарҳловчиларнинг малакаси юқори даражада эмас. Айрим футбол журналистлари вазиятларни ҳолис баҳолай олишмайди. Масалан, футбол шарҳловчилари экран қаршисида туриб, ўзларича майдондаги реал ҳолатни билмасдан, профессионал футболчиларнинг ҳаракатларидан хато топишади. Чунки, ўша вазиятдаги ҳолатни ўзларида ҳис қилишмайди. Бунинг учун, футбол шарҳловчилари ҳам футбол билан шуғулланишлари керак бўлади. Худди, “зар кадрин заргар билар” деганларидек, шарҳловчилар майдонда ҳаракат қилиб кўрсалар футболчиларнинг ҳолатларини яхши тушуниб, реал баҳолайди.

Бешинчидан, аудитория тушунадиган содда ва раво тилда ёзиш, гапириш ҳуллас, спорт журналистикасининг раво топиб гуллаб–яшнаши учун аввало спорт терминларини соф ўзбекчалаштириш, спорт атамалари луғатларини жамлаш ва шу соҳага оид илмий ва амалий китоблар ёзиш муҳим омиллардан саналади. Ва шу билан бирга ушбу мутахассислик эгалари умуман спортни ҳалқимиз орасида кенг оммалаштириш, хусусан, ўзбек спорти муваффақиятларини дунёга танитиш, шунингдек жаҳон спорт янгиликларини ҳалқимиз орасида профессионал даражада оммалаштириш билан кенг шуғулланишлари лозим.

Олтинчидан, “Спорт” телеканалда интерактивлик хизматлари жорий этилса, телеканал мухлисларга фақатгина ахборот етказибгина қолмай, балки, узатилган маълумотларнинг жамоатчиликка қандай таъсир қилиши ва муҳокама қилинишига оид янги дастурларни ташкил этиши керак. Масалан, миллий матбуотимизда спортга ихтисослашган кўплаб газеталар фаолият юритмоқда. “Спорт” телеканал ана шундай нашрлар: “Чемпион”, “Интерфутбол”, “Футбол Экспресс”, “Футбол”, “Ўзбекистон футболи”, “Футбол инфо” ва ҳоказоларнинг материаллари муҳокамасига оид “Футбол газеталари шарҳи” деган кўрсатувни ҳам ташкил этиши лозим. Ушбу дастурда спорт нашрларини телетасвирлар орқали берилиши газеталар учун ҳам бир реклама вазифасини яратиб беради.

Еттинчидан, Спорт телеканалларида эфирга узатиувчи дастурларда янги технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Энг сўнгги ва замонавий технологияларнинг жорий этилиши эфир сифатини таъминлайди. Бунда тасвирчидан тортиб режиссёргача, пультада ўтирган мутахассисдан шарҳловчигача масбул. Кадрлар яхши, сифатли бўлсаю, лекин шарҳловчилар қўллайдиган сўзлар ғализ ва тушунарсиз ёки тумтоқ бўлса, бу ҳам эфир сифатини бузадиган омил ҳисобланади.

Саккизинчидан, хорижий телеканал “Россия 2” да жонли эфирда тўғридан-тўғри узатиладиган “Удар головой” кўрсатувига ўхшаган янги дастурни яратиш керак. Футбол шарҳловчиси ва студияга таклиф этилган мутахассислар, футболчилар вазиятларни тўлалигича муҳокама қилиб беришлари учун студия ҳам футбол майдони кўринишидагидек декорация қилиниши лозим. Шунда, кўрсатув орқали телеэкран қаршисидаги ишқибозларга ҳам футбол майдонининг ҳолати ва вазиятлари янада эътиборлироқ бўлиб кўринади.

Телевидение ватан кўрки, миллатнинг юзидир. Шундай экан, жонли эфирда тўғридан-тўғри узатиладиган футбол шарҳларида шарҳловчилар ўта маҳоратли, сифатли ва чиройли шарҳлашлари талаб этилади. Ахир, бу шарҳловчининг нони, касби ҳисобланади. Худди, шифокорларнинг даволаши, ўқитувчиларнинг ўқитиши сингари¹.

Шуни эътиборга олиб, жонли эфирда журналистдан ҳам, тўғридан-тўғри студияга уланадиган аудиториядан ҳам, таклиф этилган футбол мутахассислардан ҳам аввало, муҳокама қилинаётган мавзудан четлашмаслик, этика қоидаларига риоя этишлик, шева ва жаргон сўзларидан фойдаланмаслик ҳам талаб этилади. Бундай жараёнда энг муҳими журналист жуда профессионал бўлиши лозим. Вазиятдан моҳирона чиқиб кета олиши керак.

Аудиториянинг жонли эфирга тайёрилиги энг мураккаб масалалардан биридир. Айтиш керакки, бошловчининг эфирга тайёргарлик кўриши табиийдир. Аммо, кўнғироқ қилган тингловчига ҳам баъзи талаблар қўйилиши зарур. Чунки, тингловчи ўзаро икки киши ўртасидаги мулоқотдан фарқли ўлароқ катта бир аудитория олдида сўзлаётганини хис қилиши керак. Бунда тингловчи жаргон, сўқиниш ва ҳақоратли сўзларни ишлатмаслиги ва ўзини назорат қила олиши керак:

- эфир имкониятларидан ўзининг шахсий муносабатларини ҳал қилиш учун фойдаланмаслик;
- иложи бўлса, бошловчи ва муҳарририят ходимларига сохта хушмуомалалик қилмаслик;
- ўзини-ўзи мактамаслик;
- имконият бўлса, овоз тўқималари шамоллаганда, бурун битганда эфирга уланишга ҳарак қилмаслик;
- эфирда ўзини намоёнликкорона эркин тутиш ёки ўта ҳаяжонланиш ноўрин.

Интерактив телевидение тескари алоқали каналга эга трансляцион тизимдир, яъни, унда ахборотлар нафакат трансляция қилинаётган

¹ www.uff.uz. “Яна шарҳловчилар мавзусига қайтиб” Б.Мамедов

жойдан томошабин томонида ўрнатилган телевизион приёмникка, балки, аксинча, томошабиндан трансляция қилаётган компанияга ҳам юборилади. Натижада, “Спорт” телеканали ўз ишқибозларининг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, дастурларини намойиш этади. Телетомошабинлар истаган янги–янги кўрсатувларни эфирга узатади.

Кўриниб турибдики, спорт журналистикасининг ривожланиши ва малакали ёш журналист кадрларнинг кўпайиши натижасида ўзбек спортчиларининг шон–шуҳрати мамлакатимиз миқёсида ва шунингдек, жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига хизмат қилади. Ахир спорт юрт байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтармоқда. Шундай экан, бу йўлда спортчилар билан биргаликда спорт журналистлари ҳам ўз салоҳиятларини кўрсатишлари лозим.

Усмон АБДУРАСУЛОВ